



Кун нафаси

Давлатимиз раҳбари «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.

Президентимизнинг «Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Президент Шавкат Мирзиёев 27 июнь кун Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.



Нукусдаги санъат саройида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси Раиси М.Камалов ёшлар билан учрашди.



Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов А.П.Хлеббушкина номидаги 22-сонли Меҳрибонлик уйига қарашли «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлди.




«Тошкент – Қарши – Тошкент» йўналишида «Афросиёб» электропоездлари қатнови яна 1 тага кўпайди.



Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика болалар кутубхонаси томонидан ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида республика бўйлаб «Китобхонлик фестивали» ўтказилди.



Анджон вилояти Марҳамат туманидаги «Келажак нури» кутубхонасида II Республика ёшлар форуми доирасида ички ишлар органлари ёш ходимлари ва хизматчилари ўртасида ўтказилган «Зуқко китобхон» интеллектуал ўйинининг республика финал босқичи бўлиб ўтди.



Таэквондочиларимиз Жанубий Кореяда ўтган қитъа чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, тарихий ғалабага эришди.

Навоий шаҳрида Ёшлар ойлиги доирасида ўтказилган «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остидаги ёшлар фестивали ўз ниҳоясига етди. uza.uz хабарлари асосида тайёрланди

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
28 июнь
сешанба
№ 81
(4677)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

ЖУРНАЛИСТИКА – ЗАҲМАТ, ФИДОЙИЛИК, ҲАЛОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТУВЧИ КАСБ

Матбуот – жамиятнинг кўзгуси. Ундаги ривож, тараққиёт, ҳалоллик кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари фаолияти билан узвий боғлиқдир.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун мамлакатимизда бу

йил ҳам кенг ва кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Медиа соҳа вакилларининг республика анжумани, «Ашхобод боғи»да матбуотчилар фарзандлари учун ташкил этилган махсус сайллар, спорт мусобақалари, «Заковат» интеллектуал ўйинлари бай-

рамга ўзгача шуқуқ бағишлади.

Сана муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан «Hyatt Regency» мажмуасида тантанали байрам тадбири ташкил этилди.

>>>4



Янги Ўзбекистон Конституцияси – умумхалқ муҳокамасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси 2022 йилнинг 25 июнидан 5 июлига қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ушбу қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари жамоатчилик эшитуви шаклида бошлаб бердилар.

3



ОАВ ходимлари Касаба уюшмалари Федерацияси эъзозид



4

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Қадрли дўстлар!

Авалло, сиз, азизларни, соҳа ривожига бугун ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни изҳор қиламан.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари тинимсиз ўзининг чуқур билим ва тажрибаси, ноёб истеъдод ва маҳоратини халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустақамлаш, глобал ахборот маконини миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдек олижаноб ишларга бағишлаган жонкуяр ва заҳматкаш инсонларни кўраимиз.

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичига қадам қўётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари – журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга тараннум этишга бекиёс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли кўпригига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобатни ривожлантириш, медиа тармоқларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, устоз-шогирд аъналарини кучайтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай юксак эътибор туфайли юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етгани диққатга сазовордир. Айниқса, хусусий медиа воситалари ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда, туб ислохотларни амалга оширишда, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, телевидение ва Интернет тармоғини интеграция қилиш мақсадида замонавий интернет платформаси ва унинг мобил иловаси ташкил этилгани, миллий ахборот маконимизда интернет нашрларининг сони сўнгги 6 йилда салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очиқ, холис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикамиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш – олдимизда турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон медиа компаниялари ҳам ахборот ахборот майдонини муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилоқдалар.

Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илғор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серқирра таҳлил усулларини ўзлаштириб, доимо изланиб яшаш, миллий журналистикамизнинг янги авлодини тарбиялаш зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган бундай

юқори марраларга эришиш учун бизда барча ресурс ва салоҳият мавжуд.

Фуқароларимиз учун ахборот соҳасида қулай имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини кучайтириш – яна бир устувор вазифамиздир.

Шуни қайд этиш зарурки, соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга бундан буён ҳам доимий эътибор қаратамиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича кунини кеча қабул қилинган Президент қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, эҳтиёжманд ва ёш журналистларни уй-жой билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида Матбуот уйлариининг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилиб, янги бинолар барпо этиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, жаҳонда эътироф этилган демократик мезонларга кўра, матбуот эркинлиги – барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, бу соҳада ютуқлар билан бирга ҳали муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар орқали баъзи жойларда оммавий ахборот воситаси ходимларига менсимай қараш, уларнинг ўз вазирати доирасида эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақида хабарлар тарқалаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш – бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳолашни керак. Суд ва прокуратура органлари бизга мутлақо ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар кўриши лозим.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак: барчамиз демократия деб аталган буюк мактабнинг ўқувчиларимиз. Бу борада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз зарур. Фарзандларимизни айни шу руҳда тарбиялашда журналистика соҳаси вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ўзларининг бой тажрибаси ва ибратли фазилатлари билан алоҳида намуна кўрсатадилар, деб ишонаман.

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Бугунги байрам муносабати билан соҳа фидойиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, ҳеч шубҳасиз, барча иждоқдорларни янги-янги марралар сари илҳомлантириб, уларга катта ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз қалам аҳлини қутлуғ байрамнингиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар, ҳонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик таъминлашнинг мустақамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган демократик ислохотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонини миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги яратувчилик ва янгилашни жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, соҳа учун малакали профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Максудов Мухаммаджон – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг директори

Матякубова Назира Тохтабаева – Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири

Тошев Фармон Исхакович – Самарқанд вилояти «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Худойқулов Мухтар – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг медиа назарияси ва амалиёти кафедраси профессори

Шералиев Раҳматилла – Тошкент вилояти «Чирчиқ тонги» газетаси бош муҳаррири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Абасханов Рихсиб Абдилазизович – «Ёғду» нашриёти бош муҳаррири

Амирова Шахноз Хатамовна (Шахноза Ғаниева) – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали давлат муассасаси «O'zbekiston tarixi» телеканали лойиҳа бошловчиси

Эшонкулов Назар Салиевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбектеlevision» давлат муассасаси директори ўринбосари – бош муҳаррири

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Джураева Ранохон Гафуровна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

Иванова Анна Витальевна – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

Каримова Хатичахон – Фарғона вилояти «Ойдин» газетаси бош муҳаррири

Маликов Эркин – «Ҳилол» нашриёти муҳаррири

Турсунова Мавжуда Хафизовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

Шодиев Махаммаджон Махмуджонович – «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Татьяна Самуговна – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг офсет босма цехи мусахҳиҳи

Айходжаева Азиза Садемовна – «Нурлы жол» газетасининг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт бўлими мудири

Алимов Чор – Қизилқум тумани «Тараққиёт» газетаси бош муҳаррири, Сурхондарё вилояти

Жуманиязова Халима Тагановна – Америка Кўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳри «Маконим» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Каримова Шахзода Ғоппоровна – Балиқчи тумани «Ғалаба» газетаси бош муҳаррири, Андижон вилояти

Ли Сергей Алексеевич – «Народное слово» газетасининг иқтисодиёт бўлими муҳаррири

Мағдиев Баходир Кабул-Кариевич – «O'riat» телерадиокомпанияси масъулияти чекланган жамиятининг «O'riat Dono» радиоси бошловчиси

Марценяк Валентина Викторовна – «Ishonch-Doverie» газетаси масъул котиби

Мирзаахмедов Мурабас – «Миллий» телеканалининг «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» кўрсатуви бошловчиси

Саматов Фахриддин Умиркулович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телеканали «Ассалом, Ўзбекистон!» студияси масъул котиби

Сафаров Мамадамин Абдуғаппарович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси ўринбосари

Хайдарова Дилбархон – Наманган вилояти «Мураббий» газетаси бош муҳаррири

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Сейданова Лала Алмуратовна – Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Қорақалпоғистон» телеканали ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар бош муҳаррири

Хамидова Мухаббат Махмудовна – «Гулхан» журнали бош муҳаррири ўринбосари

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

Каримов Захид Бахримуратович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» телерадиоканали давлат муассасаси директори

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алиқуллова Гулчехра Тимуровна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси ижодий муҳарририят гуруҳи бош муҳаррири

Мамадаминов Алмурат Маматқуллович – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг фотоахборот таҳририяти фотомухбири

Раҳманбердиев Жавдат Каримбердиевич – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати Медиа-маркази бош мутахассиси

Саидов Комилжон Саипджанович – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бошлиғи

Ходжаахмедов Суннат Абдуллаевич – «Ўзбекистон нашриёти» давлат унитар корхонаси муҳаррирлар бўлими бошлиғи

Хожиев Фарход Жумабаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали гуруҳ бош муҳаррири

Шарасулов Шамаҳмуд Шакаримович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifat» телерадиоканали давлат муассасаси режиссёри

«КЕЛАЖАК БУЊЕДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН

Боходиров Сарварбек Санжарбек ўғли – «Менинг юртим» телеканалининг «Марказий студия» дастури бошловчиси

Убайдуллаев Хикматилла Шухратилла ўғли – Миллий масс-медиа қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими раҳбари

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Адилов Улуғбек Шахарбаевич – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Аллаев Фироз Абдунасимович – Тошкент шаҳридаги «Asaxiy books» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Асроров Улуғбек Холбоевич – «Янги Ўзбекистон» газетаси таҳририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими мудири

Бободўстов Файзулла Муродович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси ижодий муҳарририят гуруҳи бош муҳаррири

Буриева Хулқар Туракуловна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали суҳандонлар гуруҳи суҳандони

Игамбердиева Фарида Бурикуловна – «Darakchi.uz» интернет оммавий ахборот воситаси бош муҳаррири

Исломов Низомжон Илҳом ўғли – «Aniq.uz» веб-сайти муҳаррири

Курбанов Шухратбек Раҳманбекович – «Kurbanoff.net» блог администратори

Мусаева Наргиза Абдуллаевна – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Бўка тумани ахборот-кутубхона маркази директори, Тошкент вилояти

Нугманов Бекзод Алимович – Тошкент шаҳридаги «Media News» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари

Пулатов Абдоржон Масутович – «Авторадио» радиостанцияси таъсисчиси

Турдибаев Олимжон Арипджанович – «UzReport» масъулияти чекланган жамиятининг «UzReport TV» телеканали бош муҳаррири

Худайкулова Зилола Раҳматовна – Бухоро вилояти «Истиқлол-ТВ» телерадиокомпанияси бош муҳаррири

Шадрин Константин Михайлович – Тошкент шаҳридаги «Kolorpak» масъулияти чекланган жамияти дизайнери

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 июнь

Қутлов!

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июндаги «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан бир гуруҳ соҳа фидойилари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Улар сафида «Ishonch-Dove-

рие» газетаси масъул котиби **Валентина Викторовна Марценяк**нинг ҳам борлиги бутун жамоамизни хурсанд қилди.

Таҳририят жамоаси ва унинг кўпминг сонли мухлислари номидан фидойий ҳамкасбимизни юксак эътироф белгиси – «Дўстлик» ордени билан чин дилдан қутлаб, ижодий фаолиятида унга улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси 2022 йилнинг 25 июнидан 5 июлига қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини Ўзбекистон касба уюшмалари фаоллари жамоатчилик эшитуви шаклида бошлаб бердилар.



Янги Ўзбекистон Конституцияси — Умумхалқ муҳокамасида

Видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтган жамоатчилик эшитувида марказий студиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари, Конституциявий комиссия раиси, академик Акмал Саидов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосарлари, бўлим мудирлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, тармоқ касба уюш-

малари Республика кенгашлари мутасаддилари, йирик корхона ва ташкилотларнинг бошланғич касба уюшма ташкилотлари раислари, ҳудудий студиялардан эса Касба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий Кенгашлари мутасаддилари, тармоқ касба уюшмаларининг ҳудудлардаги масъул ташкилотчилари, корхона ва ташкилотларнинг бошланғич ва бирлашган касба уюшма кўмиталари раислари, жами

1500 нафар касба уюшма фаоли иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов олиб борди.

— Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 20 июнида Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашиб, бир қатор аъзо тақлифларни билдириб ўтдилар, — деди Қудратилла Рафиқов. — Давлатимиз раҳбарининг тақлифлари 4 та асосий йўналишни — «Инсон кадр-қиммати ва манфаатлари», «Ўзбекистон — ижтимоий давлат», «Адолатли фуқаролик жамияти» ва «Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат» масалаларини қамраб олди. Президентимиз «Инсон қадрлари учун» ғоясини ҳамда «Инсон — жамият — давлат» деган методологик ёндашуви Конституциямиз мазмун-моҳиятига чуқур сингдириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, яна 2 та тарихий ташаббус — Конституциявий қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш ҳамда Конституциявий қонун лойиҳасини референдум йўли билан қабул қилиш ташаббусини илгари сурдилар.

Албатта, мамлакатимиз Конституцияси мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, ҳаёт ҳам, халқимизнинг дунёқараши ҳам ўзгармоқда. Айниқса, охириги 5 йил ичида Президентимиз ташаббуслари билан инсон манфаатларини таъминлаш, халқимиз турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга оширилган ўзгаришлар, барча соҳаларни қамраб олаётган ислохотлар жамиятимизда кўплаб янгиланишларга замин яратди. Шу боис ҳам сўнгги йилларда фуқаролар томонидан Конституциямизни такомиллаштириш бўйича кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Ана шу нуктаи назардан, жорий йилнинг май ойида Олий Мажлис палаталари Кенгашлари томонидан Конституциявий комиссия тузилди ва ўтган бир ой давомида комиссияга халқимиздан 60 мингдан ортиқ тақлиф келиб тушди. Бу юртимизда фуқаролик жамияти, халқимизда эса мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси шаклланиб бораётганидан далолат беради.

Сўз — тадбир иштирокчиларига ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎСИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Сўлтонбек ОМОНОВ, «Uzbekistan GTL» масъулияти чекланган жамияти касба уюшма кўмитаси раиси:

Ишончим комил, янги қабул қилинаётган Конституция лойиҳаси инсон қадрини улуғлайди, айниқса, оддий аҳолининг фаровонлигини таъминлайди, жамият ва давлат тараққиётининг кескин ўсишига таъсир кўрсатади, устувор сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қарият ва манфаатлар белгилаб берилган ҳақиқий Бош қомус бўлади.

Хусусан, давлат хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ш-билармонлик ва инвестициявий муҳит ҳамда шарт-шароитларни таъминлаши, эркин ва ҳалол рақобатни ҳимоя қилиши, иқтисодий фаолиятда монополаштиришга йўл қўйилмаслигини кафолатлаши; давлат товарлар, хизматлар, ишчи кучи

ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши, ички ва халқаро савдо ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиши;

тадбиркорлар қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишига, чекланмаган миқдорда даромад олишига ҳақли экани; хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги;

ер хусусий мулк бўлиши мумкин; қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмон фонди давлат тасарруфида қолади ҳамда тадбиркорлик субъектларига ижара шартномаси асосида берилиши каби тамойиллар янги Конституцияда ўз ифодасини топаётгани шундай фикрга келишимга асос бўлмақда.

ЁШЛАР ДАСТУРИ БЎЙИЧА АЛОҲИДА НОРМА КИРИТИШ ЗАРУР



Муҳаммадқосим ОЛИМОВ, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Бўхоро вилояти кенгаши раиси:

Янги Конституцияда давлатнинг ёшларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиши янада мустақамлашди, тамойилларни акс эттириш керак, деган фикрдан.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъул эканлиги қайд этилган.

Ҳозирги глобаллашув даврида ёшлар онгида миллий ғоя, ватанпарварлик туйғуларини, юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тарбиялаш, уларда мафуравий-маънавий иммунитетни шакллантириш яна долзарб бўлмоқда.

Жасорат — ҳар бир инсоннинг юксак камолотга эришганини кўрсатувчи маъ-

навий-ахлоқий ҳодиса. У инсоннинг, жумладан, ёшларимизнинг жамият ва унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиши, мустақилликнинг қадрига эҳтиш, ватан равиқлиги учун бутун куч ва имкониятларини тўла сафарбар этишни амалга ошириш маънавият катэгориясидир.

Давлатимиз ҳамisha демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билим ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш вазифасини ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўйиб келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Конституциямизга алоҳида норма киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ



Мастураҳон САЙФИДИНОВА, Фарғона вилояти Қува туманидаги «Қува анори» агрофирмаси раҳбари:

Сўнгги пайтларда кўпчилик Конституцияга ўзгартириш киритиш зарурлиги, деган саволни бермоқда. Мен бу савола инсон билан албатта, ҳа, деган жавобни бераман. Чунки амалдаги Конституция янада такомиллаштиришда туриб, олдимизга қўйган пировард мақсадимизга эришиш мушкул.

Юртбошимиз бошчилигида олиб борилётган кенг қўламли ислохотлар, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ишларнинг ўзи ҳам тасдиқлаб турибди, кечгаги кун билан яшаш бўлмайди. Зотан, бугун янгича фикрлаш, янгича яшаш фурсати етди. Қувонарлиси, одамларимизнинг ўзлари шунга интиломоқда. Инсон қадрини, унинг манфаати ҳа-

миша юқори ўринда туриши керак, деган эзу ғоя ҳаётимизнинг мазмунига айланб бормоқда.

Албатта, Конституцияга ўзгартириш киритиш унинг бутун мазмун-моҳиятини инкор этиш эмас, балки асосий қонуннинг айрим жиҳатларини ҳаётга мослаштириш демокдир.

Мен оила аёл ва эркекнинг ихтиёрли розилиги билан қурлиши ва улар ҳар қандай вазиятда ҳам тенг ҳуқуқли бўлиши тарафдорман. Зеро, оила мустақам бўлса, жамият ҳам осойишта бўлади. Конституцияга ўзгартириш киритиш лойиҳасида ушбу тақлифни илгари сурган эдим. Тақлифим инобатга олинди. Бундан хурсандман.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

БОШ МАҚСАД — ИНСОН ҚАДРИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШ



Нодира ҒОИБНАЗАРОВА, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси юридик бўлими мудир:

Бугун давлат раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли ҳар бир юрtdошимизнинг бахтли ва фаровон яшаш учун нимаки зарур бўлса, барчаси босқич-ма-босқич амалга оширилиб, инсон кадр-қиммати тобора юксалиб бормоқда. Шубҳасиз, амалдаги Бош қомусимизга ўзгартириш киритилишида ҳам ана шундай эзу мақсад мумкин. Конституцияга киритилаётган ўзгаришларнинг синчковлик билан қузатаётган ҳар бир шахс бунини тўла-тўқис англаб турибди.

Айниқса, Шавкат Мирзиёев томонидан инсон қадрини, унинг ҳаёти, эркинлиги, дахлсиз ҳуқуқ ва манфаатларини, ижтимоий давлат, оила масаласи, опа-оналик, фарзандлик бурчи, ижтимоий қўллаб-қувватлаш муҳтож, нозиронлиги бор шахсларга эътиборини янада кучайтириш каби масалаларда билдирилган тақлифлари мени бағоят рўҳлантирди.

Мамлакатимизда ўтган қисқа даврда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган «Темир

дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», шунингдек, «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлари тизимлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам баъзи тақлифларимни билдириб ўтсам.

Авалло, том маънода инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилган эканмиз, «Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат» деган ғояни Конституцияда аниқ-равшан мустақамлаб қўйиш керак, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, ҳукумат ваколатларини кенгайтиришни тақлиф этаман. Хусусан, Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар сиёсатини амалга ошириш, ошлани қўллаб-қувватлаш, мустақамлаш ва ҳимоя қилиш, нозиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўлай жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини белгилаш лозим.

ЗАМОН ТАЛАБИ



Екатерина СМЕСОВА, Андижон давлат университети касба уюшма кўмитаси мутахассиси:

— Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнини диққат билан кузатиб бораётиман. Чиндан ҳам, конституциявий ислохот замон талабидир.

Айниқса, Президент томонидан тақлиф қилинган янги тузатишлар жуда долзарб. Шу ўринда мен ҳам ўзимнинг баъзи тақлифларимни билдириб ўтсам.

Бугун 30 ёшгача бўлган йилит-қизлар мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ташкил қилмоқда. Албатта бу энг катта бойлигимиз ва ресурсимиздир. Аини жиҳатдан келиб чиқиб, мактабга таълим, мактаб ва олий таълим соҳалари, шунингдек, фан ва маданият муассасаларини Учинчи Ренессанс даврининг энг муҳим бўғинлари, му-

стақам устунлари десак, муболага бўлмайди. Зотан, таълим тизимига йўналтирилган сармоя ҳамisha ўз самарасини беради.

Ўйлашимча, Конституцияда педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралаштириш, уларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўқинлик қилишга йўл қўймаслик тўғрисидаги низомни белгилаб қўйиш керак. Бунини қонунчиликка киритиш вақти келди!

Хулоса шуки, Президентимизнинг Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқиш ва уни референдум йўли билан қабул қилиш тўғрисидаги тақлифини тўлиқ қўллаб-қувватлайман, чунки мазкур ҳужжат ҳар бир фуқарога бевосита дахлдордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳасини референдум йўли билан қабул қилиш тақлифини илгари сурди. Бундан кўзланган мақсад — ҳар бир фуқаронинг ўз фикрларини эркин айтиши учун кенг имконият ярати бериш ва Бош қомусимизнинг том маънода халқ Конституцияси бўлишига эришишдир.

Анжуманда мамлакатимизда Конституциявий ислохотлар жара-

ёни қизгин паллага киргани алоҳида таъкидланди. Конституциявий Қонун лойиҳаси Бош қонунимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиш киритишни назарда тутиши, шунингдек, 6 та янги модда билан 16 та янги норма киритилаётгани қайд этилди. Конституцияга киритилаётган мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аксарияти инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлашдек эзу мақсадларга қаратилгани эътироф этилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Конституциявий комиссия аъзолари иштирокидаги учрашувда Конституцияга ўзгартириш киритиш юзасидан билдирилган тақлифларни тўлиқ қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, видеоконференцалоқа форматидаги умумхалқ муҳокамасида республикамизнинг турли ҳудудларидан иштирок этаётган касба уюшма фаоллари томонидан Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилгунга қадар Бош қомусимизга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича турли соҳаларда меҳнат қилаётган 6 миллиондан ортиқ касба уюшма аъзолари ва фаолларининг аксарияти томонидан кўплаб тақлифлар берилди.

Тадбирда меҳнат жамоаларида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилаётган умумхалқ муҳокамаларида касба уюшма фаоллари томонидан билдирилаётган тақлифларни умумлаштириш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича тақлифларни умумлаштирувчи Республика штаби тузилгани, Федерациянинг ҳудудий кенгашларида эса мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ташкил этилгани, уларнинг асосий вазифаси барча ҳудудлардаги меҳнат жамоаларида Конституциявий қонун лойиҳасини муҳокама этиш жараёнида Конституциявий тақлифларни умумлаштирган ҳолда Конституциявий комиссияга тақдим қилиш экани қайд этилди.

Тадбир сўнгиде касба уюшма аъзолари сонидан келиб чиққан ҳолда Конституциявий ислохотлар жараёнининг якуновчи учинчи босқичи, яъни референдум иштирокчиларининг ҳар 3 нафардан 1 нафари касба уюшмалари аъзоси экани таъкидланди, уларнинг барчаси умумхалқ муҳокамасида янада фаол қатнашишга қақирилди.

Ўз муҳбиримиз



ЖУРНАЛИСТИКА – ЗАҲМАТ, ФИДОЙИЛИК, ҲАЛОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТУВЧИ КАСБ



улгургани муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда барча турдаги оммавий ахборот воситалари каби медиа тузилмаларнинг замонавий шакллари, веб-сайтлар, нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари, янгидан-янги телерадиоканаллар ташкил этилиб, улар шиддат билан ривожланиб бормоқда. Барча вазирлик ва идоралар, компаниялар, тузилмалар таркибиде матбуот хизматларининг фаолияти кенг йўлга қўйилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унда белги-ланган вазифалар ижросини таъминлаш, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқларар давлат барпо этиш, қонун устуворлигига таяниш, маънавий тараққиётни таъминлаш, Бош Қомусимизда акс этаётган ўзгаришларнинг моҳиятини ёритишда журналистларнинг янада фаол бўлмоғи зарурлигини аниқламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 июнда қабул қилган «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бундай имкониятлар медиа соҳа вакилларида мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларида ҳар қачонгидан ҳам фаол, холис ва ҳалол бўлишни талаб этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Самарқанд вилояти «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари билан биргаликда бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси Раъно Жўраева, «Ishonch-Doverie» газетаси масъул котиби, «Дўстлик» ордени соҳибаси Валентина Марценяк ва бошқалар журналистларга кўрсатилаётган улкан эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдиришди.

– Давлатимиз раҳбарининг бугун эълон қилган қарори чин маънода тарихий қарор бўлди, – деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров. – Булар медиа тузилмаларнинг моддий-техника базасини янада яхшилаш, кадрларнинг хорижда тажриба салоҳиятини ошириш, устоз журналистларни ёшларга кўмак кўрсатиши каби жиҳатларни қамраб олади. Қарор билан уюшма ўз биносига эга бўлди. Шунингдек, энг яхши 100 тага мақолаларни аниқлаш, уларнинг муаллифларини рағбатлантириш имкони пайдо бўлди. Буларнинг бари миллий журналистикамизни янада ривожлантириш, ижодкорлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда янги имкониятларни очди.

– Президентимизнинг камтарона меҳнатларимни юксак эъзозлагани, эътибор ва рағбат кўрсатганидан беҳад мамнунман, – деди «Янги Ўзбекистон» газетаси таҳририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими мудири Улуғбек Асроров. – Бундай ғамхўрлик халқимиз, Ватанимиз, касбимизга янада катта сadoқат ва фидойилик билан хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи-ёшлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗА фотомухбири Носиржон ХАЙДАРОВ олган суратлар.



ОАВ ходимлари Касаба уюшмалари Федерацияси эъзозиде



Журналистлар – жамият табиблари. Улар қайси йўналишда бўлмасин, одамларни қийнаётган муаммоларни тилга олиб, жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётган иллатларни фoш этади. Танқид қилади, бонг уради. Шу билан бирга, оммани турли янгилик ва хўшxabарлардан воқиф қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг бош муҳаррири, оммавий ахборот воситалари ходимлари эркин сўзга интилишини қўллаб-қувватлайди ва қадрлайди. 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан Касаба уюшмалари Федерациясида пойтахтимиз ва вилоятларда меҳнат қилаётган бир гуруҳ журналистлар учун байрам тадбири ташкил этилди. Унда Президент матбуот котиби Шерзод

Асадов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асадожон Ходжаев, шунингдек, газета, телевидение ҳамда радио йўналишида меҳнат қилаётган кўпгина ижодкорлар қатнашди. Тадбир аввалида Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов бугунги шиддаткор замонда оммавий ахборот воситалари

нинг алоҳида ва муҳим ўрни борлигини, уларнинг чиқишлари ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, жамиятдаги нуқсонларни баргараф этишда ниҳоятда катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу билан биргаликда, дунё майдониде Ўзбекистоннинг очкилик ва шаффоқлик томон ташлаган одимлари энди ортага қайтмаслигини, бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаган сиёсат ўз самарасини берганига ва бераётганига эътиборни қаратди. Шундан сўнг Шерзод Асадов сўзга чиқиб, барча иштирокчиларни, устоз журналистларни касб байрами билан қутлаб, ўзининг дил сўзларини йўлади.

Соҳада фидокорлик билан ишлаётган бир гуруҳ журналистларга Касаба уюшмалари Федерацияси раисининг махсус табрикомаси ва совғалар топширилди. Кўпчиликка ўрнатилган бўла олган, ўз сўзи ва ўткир қалами билан жамиятга таъсир эта олган яна бир гуруҳ ижодкорларга эса «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» махсус дипломи ва мукофотлар тақдим этилди.

Тадбир якунида меҳмонлардан вакилар сўзга чиқишиб, ОАВ ходимларига кўрсатилаётган доимий эътибор учун миннатдорлик билдиришди.

Зебо НАМАЗОВА,
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреатлари



Алишер Хаджаев – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси



Ўткир Раҳматов – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири



Хушнуд Худойбердиев – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) бош директорининг ўринбосари



Анвар Қўлмуродов – «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари

Фахрий журналистларга эҳтиром



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ фахрий журналистлар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими ва «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳририяти ҳамкорлигида уюштирилган учрашувга тақлиф этилди.

Учрашувда уюшманинг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Хусан Эрматов қатор даврий нашрларда ишлаб, пенсияга чиққан ва айни пайтда кескалик гаштини сураётган журналистларни касб байрами билан қутлаб,

уларга эсдалик совғалари топширди. Шунингдек, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчилари – филология фанлари номзоди Назира Тошпўлатова ва Нилуфар Номозовага Журналист-

лар ижодий уюшмасига аъзолик гувоҳномалари тақдим этилди. Узоқ пайтдан буён кўришмаган кадрларнинг дил сўхбати ва дийдор онлари барча учун мароқли кечди.

Ўз мухбиримиз

Эълонлар
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2021 йилда Сайитова Умида Хикматилло қизи номига берилган М № 00016468 рақамли магистр дипломи йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидеги филология мактаби томонидан 2000 йилда Махмудова Махмудохон Ганиджановна номига берилган О'Р-А № 520710 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактаб томонидан 1999 йилда Камилова Камола Джуррабаевна номига берилган О'Р-А № 568953 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд (Жиззах, Навоий) вилояти ҳудудий кенгаши «Uztruck and bus motors» (MAN заводи) МЧЖ касаба уюшмаси раиси Хасан Тўхтаевага онаси **Шарофат ая ТЎХТАЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ**
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сўҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚЎЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳаббатлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишнинг мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сурхондар вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
З. Рихсиев

Мусаҳҳиж:
У. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **01:20**
Топширилди – **01:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г-606**
34287 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130